



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ҲАМДА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 237 (3209). Шанба, 4 декабрь 1965 йил. Баҳоси 2 тийин.

РАҲБАРНИНГ ФАЗИЛАТИ

Мамлакатимизда коммунистик қурилиш кенг авж олдирилган ҳозирги даврда партия, совет органлари ва бошқа соҳаларда ишлаётган раҳбар ходимларимиз олдинга гўш муҳим вазифалар қўйилмоқда. Улардан ишнинг моҳирлиги билан ташкил этиш, ўзига топширилган ушбу ҳақда ахши қўрсаткичларга эришиш, коллективни коммунистик қурилишга кенг сафарбар қилиш, оммаи тарбиялаш ва ундан ўрганиш, ижодий ташаббусни қўлайтириш, коммунизм қурувчилигининг ахлоқ кодекси принципларини меҳнаткашлар оғига чуқур сингдириш талаб қилинмоқда.

Коммунистик партия қўрсаткичларини ҳаётга таъбиқ қилиш учун актив қўлайтириш, ўз иш ва юксак ахлоқий сифатлари билан кўпчилик ҳурматиини қозонаётган, партиянинг бурчинини шараф билан бажариб, катта ташкилотчилик ишлари олиб бораётган аjoyиб раҳбар ходимларини ҳамма ерда урғутиш мумкин. Бундай кишилар бизнинг областимизда ҳам озмунча эмас. Бунга Янгйўл район партия комитетининг биринчи секретари А. Алимов, Тошкент тўққимчилик комбинатининг директори З. Абдуллаев, Чирчиқдаги химкомбинат директори В. Қодиров, Оржоникиде районидида «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Матқобулов, Ўрта Чирчиқ районидида Кирова номида совхоз директори Ф. Муратов, шу райондаги Терешкова номида колхоз раиси У. Ҳасанова, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг директори Г. Иброҳимов ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Улар ўзларига топширилган иш учун масъулиятни чуқур ҳис қилишлари, партия ва давлат интизомига қатъий риоя қилган ҳолда, ишни пухта ташкил этиш ва оммаи уюштириш билан, план ва топшириқларини бажариш учун сабот-матонат билан қўрашлари, катта ташкилотчилик ишлари туфайли ҳурмат қозониб келмоқдалар.

Уларнинг ташаббускорлиги, тайрат ва шикоятчи кишиларга нисбатан таъмир ва меҳрибонлиги меҳнаткашларда уларга нисбатан юксак ишонч ҳосил қилади.

Бизнинг раҳбар ходимларимиз гоъвий-сиёсий жиҳатдан юксак, принципиал бўлишлари, ишни пухта ташкил эта биллишлари, келажика кўпроқ раэм солишлари, одамлар ҳақида қайғуришлари, камчиликларини ўз вақтида кўра биллишлари ва уларни бартараф этиш учун кескин чоралар кўришлари лозим. Мамлакатимизнинг экономикаси, маданияти, фан ва техникасини, бутун халқ хўжалигини янада ривожлантиришда раҳбар кадрларимиз зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Улар коммунистик қурилиш соҳасида партия белгилаб берган улкан тадбирларини, КПСС Программасини, партия

Марказий Комитетининг март ва сентябрь Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга оширишдаги барча ишларда оммага бош-қош бўлишлари керак. Партия турли масалаларини ҳал қилишда сиёсий нуқтан назардан ёндошмиш, ишчанлик ва оперативлигини, бошланган ишнинг охирига етказиш учун сабот билан қўрашшини талаб қилади.

Оммага раҳбарлик қилиш, кўпчиликни бошқариш жуда қийин ва масъулиятли ишдир. Бу иш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Юксак идроклик, масъулиятли чуқур ҳис қилган, кўпчиликнинг бошини қўвиштириш қобилиятига эга бўлган, одамлар тўғрисида кўпроқ қайғуриданган, ўз вазифасига ҳаминча ижодий ёндошадиган, билимдон, ташаббускор кишиларгина оммага тўғри раҳбарлик қила оладилар ва кўпчилигини ўз орқасидан эргаштириб борадилар.

Чиннакам раҳбар дони камтари, ўзига ва ўз қўли остидаги ходимларга нисбатан талабчан, турли масалаларини ҳал этишда принципиал, ишда ва турмушда бошқаларга ўрнак бўлишдан ташқари, юксак ахлоқий сифатлари билан ҳам алоҳида ажралади туради. Бундай раҳбар ходимлар ўзига ишониб топширилган иш, партия ва халқ манфаатларини ҳаминча биринчи даражали вазифа деб биладилар.

Лекин раҳбар ходимларимиз ўртасида шундайлар ҳам учраб турадики, улар ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қарайдилар, давлат пландарини бажаришнинг таъмин этимадилар, ишда бракка йўл қўядилар, сифатсиз маҳсулот ишлаб

чиқарилиши каби фактларга тоҳат қилиб келадилар. Бунинг устига, улар ўз коллективдаги кишиларга нисбатан кўпол муомалада бўладилар, ишлаб чиқариш илгөрларини қадирламайдилар, давлат ва халқ манфаатларидан ўз шахсий манфаатини юқори қўядилар, қорғоз-бозлик ва бюрократизмга йўл қўядилар. Бу хил раҳбарлар эл назаридан четда қолади. 19-қурилиш бошқармасининг бош ижасини Красильников, 4-қурилиш трестидидаги пардозлаш ишлари бошқармасининг бош ижасини Шапиров ўртоқлар ишда катта бракка йўл қўйганлар, маҳсулот сифатини ахшилаш чораларини кўришганлар, коллективга ёмон раҳбарлик қилганлар. Улар ўз вазифаларини ундайла олмаганликлари сабабли ишдан олиб ташланди.

Одамлар билан тапаллаш учун вақт тополмайдиган, уларнинг ариза ва шикоятларига кулоқ солмайдиган, ўз мансаби билан мақтайдиган, ишни ташкил қилишга қўриб етмайдиган, манман бўлиб кетган раҳбар ёмон раҳбар ҳисобланади. М. И. Калинин бундай раҳбарлар тўғрисида гапириб, агар сен ўзининг одамлардан юқори қўйётганини сезиб қолсан, ишим расо бўлиб давр, чунки сени бундан сўнг ҳурмат қилмай қўйишди, деган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Омма ўртасида ишончинини йўқотган, обрўсини тушиб кетган ҳар қандай раҳбар ходим бундан сўнг кўпчилигига бош бўтлабмайди.

Шунинг сира унутмаслик кераки, коллективни бошқараётган раҳбар ходим ҳаминча ташкилотчи ва тарбиячи, оммаининг сиёсий раҳбари бўлмоғи лозим.

Сиёсий раҳбар зиммасига эса жуда катта вазифалар юклатилди. В. И. Ленин айтганидан, сиёсий раҳбар коллективга катта эҳсон, айлани чоғда у бошқарётган кишилар нима билан шўғулланаётгани учун ҳам жавоб беради. Демак, ишлаб чиқариш планининг бажарилиши учун жавоб беришдан ташқари кишилар тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиш, улар ўртасида гоъвий-тарбиявий ишларни қўлайтириш, коллектив ишда шахсан иштирок этиш ҳам раҳбар ходимнинг асосий бурчидир.

Партия ташкилотлари раҳбар ходимларини тайёрлаш ва тарбиялаш соҳасида жуда катта ишларни бажармоқдалар. Областимиздаги кўпчилик партия ташкилотлари маҳсул семинарлар ташкил этиб, ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиб, тарбиянинг илмий принциплари ҳақида лекция ва докладлар уюштириб ҳамда бошқа шу хил тадбирларини амалга ошириб, ибратли иш қилмоқдалар. Кадрларни, аниқра раҳбар ходимларини танлаш, жой-жойига қўйиш, улардан тўғри фойдаланиш партия ташкилотлари олдиндаги гўш муҳим вазифадир.

Бизнинг барча раҳбар кадрларимиз гоъвий чиниққан, марксизм-ленинизм назариясини билан пухта қўрланган, оммага моҳирлик билан бошчилик қила оладиган бўлишлари лозим. Шундагина омма улар кетидан эргашиб боради. Шундагина коммунистик қурилиш вазибаларини тезроқ амалга оширишга эришамиз.

1,5 МИЛЛИОН СЎМ ТЕЖАМ

Шу кунларда партия XXII съезди шарафига меҳнат ваҳтасида туриб ишлаётган Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи коллективни ақинда етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт берди. Ўтган давр мобайнида пландан ташқари 3 миллион сўмлик янги маҳсулот тайёрланган. Белгиланганга қўшимча бир ярим миллион сўмлик иқтисодий фойда олинган. Маҳсулот сифатини ахшилашда ҳам дуруст ютуқлар қўлга киритилди. Брак намайди.

Шу давр ичида коллектив ТЭ-3 ва ЧМЭ-2 тепловозларини капитал ремонт қилишни тўла ўзлаштирди. Янги қувватлар ишга туширилди. Галванлаш бўлими, 2 та пўлат эритиш печи фойдаланишга топширилди. П. Бакастов, Д. Рубинштейн, Х. Хабибуллин, П. Костин ўртоқлар сингари раціонализатор ҳамда иxtироочилар техникани прогрессига муносиб ҳисса қўшдилар. Ремонт ишлари ҳажмларини намайитириш, сифатини ахшилашга қаратилган юзлаб тадбирлар билан чиқдилар. Ремонтчилар КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан дастлабни ишларини қилишди. Хўжалик ҳисоби асосида ишлардан прогрессия усул цехларга тобора кўп жорий қилинмоқда. Компрессор, шамол пуриаш эсбоб-ускуналарини ремонт қилиш хўжалик ҳисоби асосида олиб борилади. Электромангнит лехида ҳам бу усул қўллана бошланди.

В. МОИСЕЕВ,
У. МУХАМЕДОВ.

«ПАЙВАНДЛОВЧИЛАР КҮНИ»

«Ўзбекхимваш» заводи пайвандлашни автоматлаштириш ва механизациялаш соҳасида жуда катта ютуқларни қўлга киритган. Машинасозларнинг пайвандлашчи тақомиллаштиришда ортирган бой тажрибалари бутун Ўрта Осиё корхоналари томонидан қўл билан ўрганилмоқда. Яқинда Ўзбекистон илмий-техника информатсия институтини ташаббуси билан корхонада «пайвандловчилар кўни» ўтказилди.

«Ташхисламаш», «Ўзбексельмаш», «Чирчиксельмаш» заводлари ва бошқа қатор саноат корхоналарининг пайвандловчилари бу ерга йиғилишди. Улар химия машинасозлиқнинг илгори ш тажрибалари билан танишдилар.

С. ТУЛАЕВ,
М. МАХМУДОВ.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА


Патир, ширмой, оби, гинда, «байрам» ноилари — пойтахтимиздаги 2-йон заводи коллективининг шаҳар аҳолисига етказиб бераётган нон маҳсулотлари шундай турли-туман. Корхона коллективни шу кунларда янги маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан икки ҳафта олдин бажариш юзасидан зиммасига олган мажбуриятини муваффақиятдан адо этмоқда. Айниқса, кўнинг сифатига катта эътибор бериляпти. Шу йилнинг 10 ойлик топшириғи муддатидан бир неча кун илгари адо этилди. Қўшимча ўнлаб тонна нон ёпилиди.

Цехлар ўртасидаги ўзаро мусоабикада таъдир цехи коллективни олдинда борапти. Нонийлардан Ж. Илёсова, А. Мирзааҳмедов, ун эловчилардан В. Абдуллаев, Н. Холиқов, С. Ортоқов ўртоқлар меҳнатда насбдошларига ўрнак бўлишмоқда. Улар смена нормасини бир ярим баравага етказиб адо этишляпти.

С. МУРТАЗОВ.



ШИФОКОР Комсомол аъзоси Гулчехра Эшонхужаева ўтган йили Тошкент Давлат медицина институтини тамомлаб, пойтахтдаги Охунбобоев номли 3-туғруқхонада ишлашга йўлланма олди. Еш шифокор тез кунда коллективнинг ҳурматини қозонди. У ҳозир зарбдор коллектив аъзоси деган номни олиш учун қўрашмоқда. Суратда: ординатор врач Гулчехра ЭШОНХУЖАЕВА.



ФРЕЗЕРЧИ Ўзбекистон трактор-йигув заводи асбобсозлик цехининг илгори фрезерчи ўртоқ З. Носиров шу кунларда барча ҳамкасблари қатори партиянинг XXII съезди шарафига ваҳтасида туриб меҳнат қилапти. Сурат да: З. Носиров иш устида. М. Нуриддинов фотолари.

ГЕКТАРИДАН 60 ЦЕНТНЕР

Калинин районидидаги Қуйбисhev номида колхозда шолкорлик бригадаси бор. Унга уста шолкор Михаил Пак бошчилик қилади. Бригада деҳқонлари шол ҳосилини ҳар йили ҳам пландагидан нисбатан биринчи-иккин баравад оширишга муваффақ бўлишляпти. Улар бу йил ҳосилдорлигини 60 центнердан оширишга сўз берган эдилар. Ўз аҳдларининг устидан чиниш учун йил бўйи ғайрат-ғайрат қўшиб меҳнат қилишди. Бултур кузда ер шудорланаётганда ҳар гектар майдонига 500 килограммдан суперфосфат солинган эди. Экин парва.

риши даврида икки марта 150 килограммдан азот ҳам берилади. Сув намчил бўлган бу йилги шароитда шол парварошида бирмунча қийинчиликларга дуч келинди. Ленин ишининг кўзини биллиб меҳнат қилинганлиғи туфайли бу қийинчиликлар чекинди.

Шундай қилиб барча шолли-полларда кутилганидан ҳам мўл ҳосил еттиштирилди. Ҳаним Дунаев сингари меҳнаткорлар шоллини жадал сурьатлар билан ўриб, янчиб олишда жомбозлик кўрсатиб меҳнат қилишди. Ҳезиргача ҳар гектар майдондан кўтарилган ҳосил пландаги 31

центнер ўрнига 60 центнердан анча ошиб кетди. — Келажикдаги режаларимиз бундан ҳам катта, — дейди бригадир Михаил Пак, — бригадаси аъзолари навабдаги беш йиллигининг дастлабни йилида ҳам шолдан баракали хирмон кўтариш мақсатинда ҳозирданюқ қизгин тайёргарлик кўрабшолдилар. Шолкорларимиз жомажон партияимизнинг XXII съездининг меҳнат зафарлари билан кутиб оладилар.

А. МИРЗААХМЕДОВ.

ДУНЕ ХАБАРЛАРИ

Совет пианиночиларининг зўр муваффақияти

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бу ердаги муниципал театр шу қадар гўлдурас қараскларни ҳали ҳеч қачон кўрмаган эди. Бразилия томошбинлари Совет пианиночиларининг аjoyиб ўйинига муносиб баҳо беришлар.

Совет музикачиларининг дастлабни чиқишлари шундай зўр муваффақият қозондики, пианиночилар 4-халқаро конкурсининг жориси финал бошланмасдан

турибоқ, иккита биринчи мукофот таъсис этилиши зарур деб топди. Сўнгга бу мукофотлар Аксана Яблонская билан Алексей Любимовларга берилди. Қўшма Штатлардан келган пианиночилар Лорис Кароле Паучуни ва Раймонд Жексонлар конкурсининг иккинчи ва учинчи мукофотлари билан таъдирланди. (ТАСС).

ВДРГА ЯНА ҚАСД ҚИЛИНДИ

ХАНОЙ, 2 декабрь. (ТАСС). Бугун Вьетнам халқ армияси олғи кўмондонлигининг алоқа минисияси Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасига яна ҳужум қилганлигини Вьетнамдаги кузатувчи ва контроль қилувчи халқаро комиссияга маълум қилди. ВНА агентлигининг хабарига айтилишча, 7-Америка флоти кемаларида ҳам

да Жанубий Вьетнамдаги ва Таиландаги базаларда жойлашган Америка самолётлари 1 декабрда Лангшон, Бантхай, Куангбине, Ханба ва бошқа вилоятлардаги аҳоли яшайдиган кўп жойларни ва саноат объектларини бомбардирмон қилган ва ўққа тутган.

Қўшма Штатларнинг бу агрессив ҳаракатлари, дейляди алоқа минисиясининг макутубида. Вьетнам

МАМЛАКАТЛАР ОДАМИЛАР ВОҚЕАЛАР

СМИТНИНГ ШАРТЛАРИ

ЛОНДОН, 3 декабрь. (ТАСС). Жанубий Родезия баш министри Ян Смит Англия ироиличасига мактуб юбориб, Илйффорд Дюпони Жанубий Родезияга губернатор қилиб тайинлашни тавсия этиди, дейляди Рейтер агентлигининг Солсберидан юборилган хабарига.

Оқ тили ирчиқлар Жанубий Родезияни «Мустаккил» деб эълон қилиб, аввалги губернатор Гибсонни ҳонимиядан четлаштириб қўйганларидан бери Дюпон губернаторлини вазифасини бажариб келмоқда.

НОДОНЛИК ВА АҚЛСИЗЛИК ХҲҲҲҲ

ЛОНДОН, 3 декабрь. (ТАСС). Фервуднинг ирқи ҳукумати Жанубий Африка Республикасида таққиланган китоблар рўхатини эълон қилди. 184 саҳифадан иборат бўлган маана шу катта ҳужжатда Жанубий Африка Республикаси аҳолисининг ўқини ёки сотиб олини таққиллаб қўйилган 11.220 номдаги китоб ва журналлар рўхати берилаган. Шу рўхатда кўрсатилган асарларни ўқиган ёки сотиб олган кишиларга катта пул штрафи солинади ва бир неча йил муддат билан турмага қамалб қўйилади, дейляди. Бу рўхатга бутун дунёга маълум бўлган кўпгина авторларнинг, шу жумладан Жеймс Оларик, Эмиль Золя ва бошқаларнинг асарлари киритилган.

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯДА ДОВУЛ

БОНН, 2 декабрь. (ТАСС). Шимолий Рейн-Вестфалия ўлиасида икки кун гўш қаттиқ довул бўлиб турди. Бу довул Гессен ва Бавария ўлиаларининг баъзи районларига ҳам тарқалди. Қаттиқ шимол иморатларининг товларини кўчириб юборди, дарактарини илдири билан кўпориб ташлади. Вюрцбург шаҳрида довул кўп биноларга шикаст етказди. «Нейе-Рейн Цейтунг» газетасининг хабарига айтилишча, Рейн областининг баъзи районларида ниҳоятда кам учрайдиган ҳодиса рўй бериб, ишда момақалдироқ бўлди. Бавария ва Жанубий Гессенининг кўп районлари қор остида қолди, деа бўлади. Бу районларда 2-3 метр қалинлида қор ёғди. Мамлакатнинг тоғлиқ районларидаги кўпгина автомобил йўлларида қор кўп ёққанлигидан автомобиль транспортининг намои тўхтаб қолди.

ЮКСАК МУКОФОТ

Юксак малакали кадрлар тайёрлашда, қишлоқ хўжалик фанини ривожлантиришда катта хизматлари учун ва К. А. Тимирязев номидаги Ленин ордени Москва Қишлоқ хўжалик академиясини ташкил топган кўнингиз из йилдаги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми К. А. Тимирязев номидаги Ленин ордени Москва Қишлоқ хўжалик академиясининг профессорси Андрей Петрович Редькинга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини берди. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Юксак малакали кадрлар тайёрлаш, қишлоқ хўжалик фанини ривожлантиришда катта хизматлари учун ва К. А. Тимирязев номидаги Ленин ордени Москва Қишлоқ хўжалик академиясини ташкил топган кўнингиз из йилдаги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми К. А. Тимирязев номидаги Ленин ордени Москва Қишлоқ хўжалик академиясининг профессорси Андрей Петрович Редькинга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини берди. (ТАСС).

ПРОФЕССОР А. П. РЕДЬКИН—СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ ҚАҲРАМОНИ

Қишлоқ хўжалик фанини ривожлантириш, юксак малакали кадрлар тайёрлашда катта хизматлари учун ва тўғилган кўнига 90 йил ўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми К. А. Тимирязев номидаги Ленин ордени Москва Қишлоқ хўжалик академиясининг профессорси Андрей Петрович Редькинга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини берди. (ТАСС).



Германия Демократик Республикаси. Бош почтампот биноси ва бошқа янги замонавий бинолар. Лейпциг шаҳрининг кенг кўчалари ҳуснига ҳуси қўшмоқда. Шаҳар марказини реконструкция қилиш билан бир вақтда бошқа жойларда ҳам уй-жой қурилиши жадал сурьатларда олиб бориламоқда. АДН—ТАСС фотоси.

3-БЕТ, 4 ДЕКАБРЬ 1965 ИИЛ.

